



25

« 3 » март 2014 йил № 61-Қ

Кўшработ тумани

“Qishloq Qurilish Invest” инженеринг Компанияси Самарканд филиалига 2015 йилда “Осиё тараккиёт” банки кредити маблагини ҳисобидан наъмунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдони танлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПК-1167-сонли ва 2010 йил 17 июндаги ПҚ-1354-сонли қарори асосида қабул қилинган Самарканд вилояти ҳокимининг 2010 йил 22 июндаги 89-Қ-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси”нинг ушбу масала юзасидан тақдим этган тўпламини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-25-моддаларига асосан

ҚАРОП ҚИЛАМАН:

1.Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2014 йил 28 феврал “Qishloq Qurilish Invest” инженеринг Компанияси Самарканд филиалига 2015 йилда “Осиё тараккиёт” банки кредити ҳисобидан “Наъмунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдони танлаш тўғрисида”ги баённомаси тасдиқлансин (баённома илова қилинади).

2.Пичот кишлок фуқаролар йиғини Қўролос маҳалласи ҳудудидан Ерлан фойдаланиш харитасининг 1360-контуридан туман ҳокимлиги захира ер фонди ҳисобидаги тупрок бал бонитети 28 бал бўлган, қаровсиз бог ер майдонидан 2015 йилда бош режа ва наъмунавий лойиҳа асосида 20 та уй-жой қурилиш учун 2,0 (икки) гектар ер майдони танлансин.

3.Туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими бошлиғи Ф.Қўчқоровга туман ер ҳисоботида тегишли тартибда ўзгариш киритиш вазифасини топширилсин.

4.Туман бош архитектори М.Райимовга наъмунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда қурилиши режалаштириладиган уй-жойларни Бош режа асосида қурилишни амалга ошириш бўйича катъий назорат ўрнатиш вазифаси топширилсин.

5.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Азимов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

О.Алиходжаев